

# Халқ сўзи

**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 29 сентябрь, № 188 (6371) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# МОДЕРНИЗАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

*Юртимиз шаҳару қишлоқларида мураккаб технологиялар билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этилиши ҳисобига "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи туширилган рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми ортиб, улар ички ва ташқи бозорда тобора харидоргир бўлиб бораётир. Айниқса, енгил саноатда ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар ўзининг юксак натижаларини бермоқда.*





Пахта толаси — тўқимачиликка ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш субъектлари учун муҳим хом ашё. Заминимизда эса унинг энг юқори навлари етиштирилади. Қолаверса, кейинги йилларда пахтани қайта ишлаш борасида тўпланган илғор тажрибамиз халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. Бунинг самараси эса юртимиз экспорт жуғрофияси йилдан-йилга кенгайишига хизмат қилаётир.

Чунончи, Қорақалпоғистон Республикасида 2014 — 2016 йилларда саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳудудий дастур мазкур йўналишдаги ишларга янгича суръат ва кўлам бахш этмоқда. Унга мувофиқ, ўтган йили Оролбўйида умумий қиймати 65 млрд. 830 миллион сўмлик ва 6 млн. 275 минг АҚШ долларилик 321 лойиҳа амалга оширилиб, 6653 кишининг бандлиги таъминланди. Шундан 50 та лойиҳа енгил саноат ҳиссасига тўғри келиб, уларнинг рўёби 3630 та иш ўрни яратилишини таъминлади. Муҳими, мазкур корхоналар томонидан қисқа муддатда 320 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланиб, буюртмалар ўз вақтида бажарилди.

(Давоми 2-бетда).

## БИЗ ВА ЖАҲОН

Қуйида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги жабҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар ҳамда мамлакатимизнинг «Expo Milano — 2015» умумжаҳон кўргазмасидаги иштироки юзасидан Италия ишбилармон ва эксперт доиралари вакиллари «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига билдирган фикр-мулоҳазалар ўз аксини топган.

## Агросаноатимиз ютуқлари хорижлик мутахассислар нигоҳида

**«Италия — Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси раиси, профессор Рокко АБРАМ:**

— Маълумки, озиқ-овқат хавфсизлиги мазкур умумжаҳон кўргазмасининг асосий мавзуси ҳисобланади. Шуни қайд этиш муҳимки, Ўзбекистонда бу соҳага катта эътибор қаратилади. Республиканинг ушбу кўргазмада қатнашиши мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон павильонига борганимда, кўзларим қувонди. У ерда мамлакатнинг аграр жабҳадаги улкан салоҳияти намойиш этилмоқда. Шуни айтиш керакки, миллий стенд жуда чиройли ва дид билан тайёрланган. Унда мамлакатнинг озиқ-овқат концепцияси яққол акс этгани ҳолда, серқуёш Ўзбекистоннинг дунёда донғи кетган ранг-баранг озиқ-овқат маҳсулотлари бу майдонча пештахталаридан жой олган.

Дунёда табиий ва озиқ-овқат маҳсулотлари чеклангани ҳақидаги ахборотни жамоатчиликка етказиш мазкур кўргазманинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўйлайманки, бу нуқтаи назардан сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича мамлакатингиз бошқаларга намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунки сув ресурслари қишлоқ хўжалиги ривожи учун беқиёс неъмат ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг 2014 йил ҳамда 2015 йилнинг биринчи ярмида давлат субсидияси бўйича олиб борган фаолиятига доир ҳисоботи муҳокама этилди.

● **Миллий матбуот марказида "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти томонидан мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқларини ҳамда аҳолини қаттиқ ёқилғи билан барқарор таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган анжуман ўтказилди.**

● Тошкентда "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан "Tadbirkor ayol" — "Деловая женщина" — "Business woman" иқтисодий-маърифий журнали чоп этила бошлангани муносабати билан тадбир уюштирилди.

● **Наманган шаҳрида "Ҳиндистон ярмаркаси" деб номланган савдо кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда ҳинд диёрининг тикувчилик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик каби миллий ҳунармандлик буюмлари намойиш этилди.**

● Андижонда умумтаълим мактабларида "Маҳорат мактаблари" фаолиятини ташкил қилиш ва шу йўналишдаги илғор иш тажрибаларини оммалаштиришга оид семинар уюштирилди. Инновацион педагогик технологиялар, ноанъанавий усуллар, кўргазмали воситалар асосида ўтказилган машғулотлар, шунингдек, география фани ойлиги дастури доирасида ташкил этилган фан кечаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## Телекоммуникация соҳаси ва қонунчилик

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.*

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Унда "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятидаги ижроси юзасидан олиб борилган назорат-таҳлил фаолияти якунлари муҳокама қилинди.

Тадбирда парламент қуйи палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент вилояти ҳокимлиги мутасаддилари, телекоммуникация соҳаси мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, шунингдек, экспертлар ҳамда журналистлар қатнашди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда жамият ва давлат бошқарувини ахборотлаштириш, барча соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, фуқароларнинг ахборот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, телекоммуникация инфратузилмаси ва маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида кейинги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари жадал ривожланмоқда.

Албатта, бунда соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асоси яратилгани муҳим омил бўлаётир. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонуни фойдаланувчиларни замонавий алоқа ва давлат интерактив хизматлари билан таъминлаш, миллий телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда шакллантириш билан боғлиқ муносабатларни тизимли ва комплекс тартибга солишга хизмат қилмоқда. Бинобарин, мазкур Қонун нормалари билан ахборот-коммуникация хизматлари сектори ҳисобланган юқори технологияли миллий иқтисодиётнинг иқтисодий асослари шакллантирилган бўлиб, амалда унинг сўзсиз ижросини таъминлаш долзарб аҳамиятга эгадир.

Йиғилишда асосий эътибор ушбу Қонуннинг муҳим талабларидан бири — ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ҳамда жисмоний шахсларга сифатли давлат интерактив хизматлари кўрсатиш учун жойларда телекоммуникация тармоқларининг фаолият юритиши ва уларни ривожлантириш борасида давлат органлари томонидан олиб борилаётган ишларга қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

## «Defense Journal»: «Ўзбекистон мўъжизаси»

Покистонда нашр этиладиган "Defense Journal" журналининг навбатдаги сонида "Ўзбекистон мўъжизаси" сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Покистон Марказий банки Таҳлил бошқармасининг етакчи эксперти Маҳмуд Ул-Ҳасан қаламига мансуб мазкур мақолада мамлакатимиздаги изчил ва мувозанатли иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, саноатнинг диверсификация қилиниши, банк тизимининг босқичма-босқич либераллашуви ҳамда уларнинг натижаси ўлароқ, аҳоли фаровонлигининг ошгани чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этилган.

Мақолада ислоҳотларнинг асосий босқичлари, сўнгги йиллар давомидаги макроиқтисодий кўрсаткичларимиз ҳақидаги атрофлича маълумотлар ўз аксини топган.

Журналда ёзилишича, Ўзбекистон суверен ривожланиш йиллари давомида ички ва ташқи қарзи паст даражадаги, фавқулодда муваффақият билан ривожланаётган мамлакатга айланди.

Маълум қилинишича, Жаҳон банки маърузасида қайд этилганидек, дунё иқтисодиётидаги мураккаб тамойиллар ҳамон ўз таъсирини кўрсатиб турганига қарамасдан, республикада барқарорлик намоён бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**КОНФЕРЕНЦИЯ**

*Сирдарё вилоятида "2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" мавзуида конференция-семинар бўлиб ўтди.*

## Хусусий секторнинг жадал ривожи

### унга қаратилаётган юксак эътибор ва яратиб берилаётган имкониятлар билан чамбарчас боғлиқ

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш, солиқ, суд органлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, молия муассасалари вакиллари, тадбиркорлар ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида ўтказилган мазкур анжуманда Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг қарийб 90 фоизини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ташкил этади. Қувонарли жиҳати, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси ортиб бораётир. Бошқача айтганда, мазкур тармоқ иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг биринчи ярмида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан юртимиз тадбиркорларига умумий қиймати

**512 миллион**

**АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилишга ёрдам берилди.**



*Жамғарма томонидан кичик бизнес субъектларига кўрсатилган ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар эса, ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, уларнинг турларини кўпайтириш, хорижий ҳамкорлар топиш ҳамда янги савдо йўлаклари очиш имконини берди.*

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Янги Зеландиянинг сут ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган дунёга машҳур “Fonterra” компанияси жорий йилда 317,36 миллион АҚШ доллари миқдорида даромад олишини маълум қилди.*

## Катта даромад олади




Бу ўтган йилдагига нисбатан уч баробар кўп. Компания фаолиятидаги ижобий ҳолат йилнинг иккинчи ярмида сут маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши билан боғлиқ. Ваҳолонки, биринчи ярим йилликда вазият бутунлай бошқача эди.

## Портдаги фалокат

*Гонконгдаги портда ўнта кема ёниб кетди, дейилади маҳаллий телевидение томонидан тарқатилган хабарда.*



Бахтсиз ҳодиса оқибатида беш киши тан жароҳати олди. Манбада айтилишича, дастлаб причал (кемаларни боғлаб қўйиладиган жой)дан 200 метр узоқликда турган сув транспортида ёнғин келиб чиққан. Кейин “тилсиз ёв” унга яқин жойлашган бошқа кемаларга ҳам ўтган.

## Биринчи корхонасини очди

*АҚШнинг электр автомобиллар ишлаб чиқарувчи “Tesla Motors” компанияси Европада ўзининг биринчи заводини очди.*




Нидерландиянинг Тилбург шаҳрида фаолият бошлаган мазкур корхона йилига 500 минг дона машина ишлаб чиқариш қувватига эга. Янги заводда “Model S” седани модификациясини йиғиш имконияти ҳам яратилган. Шунингдек, корхона ҳудудида 750 метрлик синов майдони мавжуд бўлиб, унга турли қопламалар ётқизилган. Бу ерда автомобилларнинг шовқин ва тебраниш даражаси ҳамда автоном ҳолда бошқариш тизими каби жиҳатлари синаб кўрилади.

“Tesla Motors” раҳбарининг айтишича, 2016 йил бошида компания Европада яна бир нечта корхона очишни мўлжалламоқда.

## Соҳилдаги сирли ҳодиса

*Австралиянинг Квинсленд штатидаги пляж ўрнида улкан ўра ҳосил бўлди.*



Диаметри 200, бўйи эса қарийб уч метрга тенг келадиган ушбу чуқурлик пайдо бўлиши билан у дарров сувга тўлган. Ўра битта енгил ва юк машинасини ютиб юборган бўлса-да, жабрланганлар йўқ. Воқеа жойидан юз нафарга яқин сайёҳ эвакуация қилинди.

Маҳаллий ҳукумат чуқур янада кенгайиб кетиши мумкинлигидан хавотирда.

## Тўфон хавфи

*Тайваннинг шимоли-шарқий соҳилларига “Дуцзюань” номли тўфон етиб келди. Энди у Хитой томон ҳаракатланмоқда.*



Хитой метеорология бошқармасининг хабар қилишича, табиий офат марказида шамолнинг тезлиги сониясига 48 — 50 метрни ташкил этаяпти. Бир оз ўтиб унинг кучи 30 — 35 м/с. гача пасайиши мумкин.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, тўфон кучли ёғингарчилик олиб келади ҳамда у туфайли денгизда баландлиги етти метргача етадиган тўлқинлар пайдо бўлади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ЭЪЛОНЛАР


## Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

**2016 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига ва мустақил изланувчиликка қуйидаги мутахассисликлар бўйича танлов эълон қилади:**

алгебра; астрономия; физик электроника; яримўтказгичлар физикаси; ноорганик кимё; аналитик кимё; органик кимё; геотектоника ва геодинамика, петрология ва литология; геофизика, фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари; информатиканинг назарий асослари; агротупроқшунослик ва агрофизика; Ўзбекистон тарихи; археология; тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари; иқтисодиёт назарияси; макроиқтисодиёт; минтақавий иқтисодиёт; онтология, гносеология, мантиқ; фалсафа тарихи; ижтимоий фалсафа; ўзбек тили, ўзбек адабиёти; Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти; қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик; адабиёт назарияси; фольклоршунослик; журналистика; матншунослик ва адабий манбашунослик; табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси; иқтисодий ва ижтимоий география; таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича); психология тарихи ва назарияси, умумий психология, шахс психологияси; социология назарияси, методологияси ва тарихи, социологик тадқиқот усуллари.

**Талабгорлардан ҳужжатларни қабул қилиш муддатлари, талаб этиладиган ҳужжатлар ва топшириладиган имтиҳонлар рўйхати қуйидагилардан иборат:**

**1.** Ҳужжатлар 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

**2.** Катта илмий ходимлар-изланувчилар ҳамда мустақил изланувчиликка ўқишга талабгорлар олий таълим муассасасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасаси магистратураси диплому ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси ёки Миллий хавфсизлик хизмати таълим муассасасининг магистратура дипломига тенглаштирилган диплому ёхуд фан номзоди диплому ёки магистр даражаси жорий этилганига қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертация режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналлар ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятига лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжати нусхаси;
- етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги. Бунда тавсия этилган мавзулар базасидан танлаб олинган мавзу бўйича, қоидага кўра, ушбу низомнинг 8-бандига мувофиқ, мазкур мавзуни таклиф этган етакчи олим илмий консультант бўлиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

**3.** Катта илмий ходимлар-изланувчилар ҳамда мустақил изланувчиликка ўқишга кираётган талабгорлар Ўзбекистон тарихи, фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси, чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил бўйича) ва мутахассислик бўйича кириш имтиҳонлари топширади.

Фаннинг тегишли йўналишлари бўйича фан номзоди илмий даражасига эга бўлган талабгорлар мутахассислик бўйича кириш имтиҳонларини топширишдан озод қилинади.

**4.** Кириш имтиҳонлари 2015 йил 1 — 20 декабрь кунлари бўлиб ўтади.

**Маълумот олиш учун университетнинг илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, маъмурий бино, 3-қават, 38-хона. Телефон: (0-371) 246-74-35.**

1428А/679


## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 19 СЕНТЯБРДАН 25 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2015 йил 14 сентябрдаги 729-сонли «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2015 йил 21 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1869-3 (2015 йил 28 сентябрдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 5 сентябрдаги 24/7-сонли «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 22 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2687-1 (2015 йил 28 сентябрдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг 2015 йил 22 августдаги 299-В-2, 2015-12-сонли «Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консультанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 22 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1782-2 (2015 йил 28 сентябрдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 27 августдаги 01-02/20-38-сонли «Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1272-6 (2015 йил 28 сентябрдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2015 йил 2 сентябрдаги 38/ҚҚ ва 35-Қ/Қ-сонли «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари учун намунавий йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

**2015 йил 23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2715 (2015 йил 28 сентябрдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 5 сентябрдаги 24/9-сонли «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2015 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-6 (2015 йил 28 сентябрдан кучга кирди).**


**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

XALQ BANKI

## Акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент вилояти филиали

***банк биносидаги лифтни капитал таъмирлаш бўйича танлов эълон қилади.***

**1.** Танлов комиссияси ишчи органининг манзили ва телефони: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 46-уй.
Телефон: (+99871) 273-86-57.
E-mail: m.axmedjanov@xb.uz

**2.** Танлов мавзуси — Халқ банки Тошкент вилояти филиали биносидаги лифтни капитал таъмирлаш.

**3.** Тендер ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин.

**4.** Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2015 йил 14 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 18.00 гача қабул қилинади.

1455А/120



*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги*

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ «ТАРМОҚ МАШИНАШУНОСЛИГИ МУАММОЛАРИ» ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

**қуйидаги йўналишлар бўйича 2016 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади:**

**05.20.01** - Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш.

**05.02.02** - Машина ва механизмлар назарияси. Машинашунослик ва машина деталлари.

**05.02.03** - Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робот-техника тизимлари.

*Ҳужжатлар 2015 йил 15 ноябргача қабул қилинади.*

**Маълумот учун манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 262-71-32. Факс: (0-371) 262-71-52.**

1434А/678



## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

«**Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2015 йил 3 ноябрь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**I.** Тошлоқ тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 17 июлдаги 15-1509/680-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ёзёвон тумани, 82-участкада жойлашган, қурилиш ости майдони 195,61 кв.м., фойдаланиш майдони 135,79 кв.м. бўлган, 0001-0005-литерлардаги дала шийпони.

***Бошланғич баҳоси — 33 875 164 сўм.***

**II.** Тошлоқ тумани СИБ томонидан ФИБ Марғилон туманлараро судининг 2015 йил 15 июлдаги 1-2219/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошлоқ тумани, «Қўрғонча» ҚФЙ, «Пиёзчилик» МФЙ, Муҳандис кўчаси, 169-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 338,68 кв.м., фойдаланиш майдони 252,57 кв.м. бўлган, 0001 (0010), 0002 (0009), 0003-литерлардаги офис биноси ва омборхона.

***Бошланғич баҳоси — 300 000 000 сўм.***

**III.** Данғара тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2015 йил 24 апрелдаги 2-17/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Қўқон шаҳри, Туркистон кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 713,50 кв.м., фойдаланиш майдони 614,49 кв.м. бўлган, 0001-литердаги чойхона ва ошхона.

***Бошланғич баҳоси — 269 911 000 сўм.***

**2.** Данғара тумани, Данғара шаҳарчаси, Тошкент кўчасида жойлашган, ер майдони 57150 кв.м., қурилиш ости майдони 992,82 кв.м., фойдаланиш майдони 563,21 кв.м. бўлган, 0001-0012-литерлардаги машина бозори.

***Бошланғич баҳоси — 785 314 428 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 30 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

**2015 йил 20 октябрь куни соат 14.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:**

**I.** Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012 сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 4423,78 кв.м., фойдаланиш майдони 1012 кв.м. бўлган, 0001-0016-литерлардаги керамзит базаси.

***Бошланғич баҳоси — 266 490 482 сўм.***

**2.** Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Зураймомо» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 11365,27 кв.м., фойдаланиш майдони 4596,42 кв.м. бўлган, 0001-0012-литерлардаги молхона мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 326 928 885 сўм.***

**3.** Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Қапчуғай» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 3585,71 кв.м., фойдаланиш майдони 3361,38 кв.м. бўлган, 0001-0014-литерлардаги темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш цехи.

***Бошланғич баҳоси — 397 387 357 сўм.***

**4.** Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Кўмирчи» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 112,23 кв.м., фойдаланиш майдони 87,91 кв.м. бўлган, 0001-литердаги 4-сонли савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 32 704 211 сўм.***

**II.** Қўқон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2015 йил 24 апрелдаги 2-17/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, Қудуқлик кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 450,73 кв.м. бўлган 0001-0010-литерлардаги автотеххизмат бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 371 693 420 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 16 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 20-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.**

1447А/34

Хизматлар лицензияланган.



## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

**«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2015 йил 28 октябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Пахтачи тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 15 июндаги 14-1516/12113-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зиёвуддин шаҳарчаси, «Янгиобод» МФЙда жойлашган, умумий майдони 1322,44 кв.м., фойдаланиш майдони 1259,69 кв.м. бўлган маъмурий ва хўжалик бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 150 000 000 сўм.***

**2.** Ургут тумани СИБ томонидан ФИБ Тайлоқ туманлараро судининг 2015 йил 11 июндаги 1-1790/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ургут тумани, «Камангарон» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 1851,42 кв.м., фойдаланилаётган ер майдони 1665,24 кв.м. бўлган молхона бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 169 000 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (0-366) 234-06-38.**

1448А/34

Хизматлар лицензияланган.



**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

## Қашқадарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2014 йил 10 январдаги 2-02/73-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ўткирбек Абдувоҳид ўғли» ишлаб чиқариш савдо фирмасига тегишли, Шаҳрисабз шаҳри, «Тутзор» МФЙ, Ипак йўли кўчасида жойлашган, ер майдони 26784 кв.м., қурилиш майдони 2047,32 кв.м. бўлган тўй ва тантанали маросимлар («Тожмаҳал» тўйхонаси) биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 4 185 057 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 15 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 13 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарликхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси 20-уй. Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

1449А/2

Хизматлар лицензияланган.


Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги жамоаси бўлим бошлиғи Беҳзодбек Ильхамовга падари бузруквори

**НОИЛБЕК отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

## 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни



*Юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган ноёб таълим модели ёш авлоднинг ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, шу билан бирга, малакали кадрлар бўлиб камол топишига хизмат қилмоқда. Бу борада умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ҳамда олий ўқув юртларида яратилган замонавий шарт-шароитларнинг аҳамияти беқиёс. Қолаверса, истиқлол йилларида давлатимиз томонидан биз, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатининг ҳар томонлама рағбатлантирилаётгани, соҳага илғор педагогик технологиялар, ўқитишнинг янги услублари кенг жорий қилинаётгани таълим сифати ва самарадорлигини оширишда қўл келаётир.*

# Илғор таълим тизими

### фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилаяпти

Бунинг амалий тасдиғига ўзим фаолият юритаётган лицейдаги ўқув жараёнида ҳам тез-тез дуч келаман. Жумладан, таълим масканимизга қадам қўяр экансиз, даставвал унинг муҳташам биноси диққат-эътиборингизни тортади. Бу ердаги илғор ўқув жиҳозлари ва ахборот технологиялари ҳавас қилгулик даражада. Компьютер хоналари ўғил-қизлар ихтиёрида. Лингафон ва бошқа фан кабинетлари жаҳон андозалари асосида жиҳозланган. Ахборот-ресурс марказида эса адабиётлардан электрон шаклда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, интернет тармоғига уланганимиз келажагимиз ворисларининг янада пухта билим олишларида муҳим омил бўлмоқда.

Асосийси, ўқувчиларимизнинг барчаси — иқтидорли ва изланувчан. Уларнинг илм эгаллашга бўлган иштиёқи биз, устоз-мураббийларни доимо ўз устимизда ишлашга ундайди. Масалан, математикадан машғулотлар самарадорлигини оширишда интерфаол усуллардан кенг фойдаланаман. Шу тариқа ушбу фан бўйича суҳбат-мулоқот тарзида дарс ўтиш яхши натижа беришини тажрибада синаб кўрдим. Қолаверса, математика сабоқларини инглиз тилида ўтишни ўзлаштирдим. Бу эса шогирдларим учун таълимнинг кейинги босқичида асқатади, деб ўйлайман.

...Хонамиздаги электрон доска имкониятлари ниҳоятда кенг. Ҳар гал шу илғор техника воситасида ёшларга мавзуни тушунтирар эканман, ўқувчилик даврим кўз олдимдан ўтади. Қаранг, ўша пайтларда дарс олиб бориш услуби деярли бир қолипда бўлган экан. Қолаверса, бугунгидек лицейлар, ихтисослаштирилган мактаблар қаёкда эди, дейсиз?! Шу туфайли мустақил равишда билимини кенгайтириш истагидаги болалар мактаб қўлланмалари билан чегараланишга мажбур эди. Тўгараклар эса фақат қоғоздагина фаолият юритарди, холос. Ҳозир-чи? Аҳвол бутунлай бошқача. Ўғил-қизларимиз ҳар қандай фан бўйича ўзларига керакли маълумотларни бир зумда билиб олиш имкониятига эга. Интернет манбалари орқали фан янгиликларидан тезкор равишда хабардор бўлишаяпти. Қўшимча машғулотларда иштирок этмоқдалар. Хорижий тилларни ўрганишаётир, спорт билан шуғулланишмоқда. "Фан кечалари" ҳамда турли маданий-маърифий тадбирларда фаол қатнашаяптилар.

Лицеймиз ҳаёти ва ўқув-тарбия жараёни ана шундай қайноқ ҳамда жўшқин. Шукрки, бугун юртимиздаги таълим муассасаларида фарзандларимиз юксак меҳр ва эътибор оғушида камол топаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Ўз навбатида, зиммамизга баркамол авлод тарбиясидек масъулиятли вазифа ишониб топширилгани, ўқитувчи ва мураббийларга кўрсатилаётган беқиёс эъзоз-эҳтиромдан қалбимиз тоғдек юксалмоқда. Буларнинг барчаси бизни янада фидокорона меҳнат қилишга ундаб, юксак марралар сари руҳлантиради.

**Абдуназар ЗОКИРОВ,**
**Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.**


*Ҳурматли тадбиркорлар!*

ASAKA BANK

## «Асака» банки

**«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси), «Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилаётганлигини маълум қилади.**

**Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:**

| | |
|---|---|
| **Лойиҳалар** | **Саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, кенгайтириш ёки амалдаги ишлаб чиқаришларни реконструкция қилиш.** |
| **Қарздор** | *«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича:* <br> — Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар; <br> — ўз маҳсулотлари ёки хизматларини Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларга сотувчи ёки Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларнинг маҳсулотлари ва хизматларини сотиб олувчи компаниялар. <br> *«Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:* <br> — Ўзбекистон Республикаси резидентлари — хусусий, кичик корхона, қўшма корхона, акциядорлик жамиятлари. |
| **Кредит мақсади** | *«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича:* <br> **Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар учун:** <br> — асбоб-ускуналар сотиб олиш ва ўрнатиш; <br> — стратегик инвестициялар. <br> **Корея Республикаси капитали иштирок этмаган компаниялар учун:** <br> — Корея Республикаси капитали иштирокидаги компанияларга асбоб-ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш; <br> — Корея Республикаси капитали иштирокидаги компаниялардан асбоб-ускуналар ва хизматларни сотиб олиш. <br> *«Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:* <br> — импорт асбоб-ускуналар ва технологияларни сотиб олишни молиялаштириш ҳамда ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш. |

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:**
**(+99871) 120-81-77, 120-82-98, 120-82-66, 120-82-29.**

**«Асака» банки — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!**

**www.asakabank.com** Хизматлар лицензияланган.

1443А/635


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


## Qishloq Qurilish Bank

*Азиз устоз ва мураббийлар!*

## АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»



**жамоаси сиз, азизларни Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан самимий қутлайди.**

**Фидокорона меҳнатингиз, берган тарбиянгиз туфайли камол топаётган ёш авлоднинг ютуқлари устозлик меҳри билан тўла қалбингизга ҳамиша маънавий қониқиш, хурсандчилик бағишласин. Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, оилавий фаровонлик тилаймиз!**

**АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» янги омонат турларини таклиф этади.**

**Миллий валютада:**

**«Кексаларга таъзим»** Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.
**«Кексаларни қадрлаш»** Омонатга маблағлар 6 ойга қабул қилинади.

***Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.***

**«Имконият»** Омонатга маблағлар 1 йилдан 3 йилгача қабул қилинади.

***Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда фоизлар ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.***

**Хорижий валютада:**

**«Percent»** Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
**«Profit»** Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

***Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.***



**Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:**

**«Мадад»** Маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.
**«Хонадон»** Маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.
**«Қурилишга бошланғич бадал»** Муддати — 1 йил.

**Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатингиз:**

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

**Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-72-58, 150-39-93. www.qqb.uz**

***«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!***

Хизматлар лицензияланган.

1444А/632


**ИЗЛАНИШ**

*Бухорода наслчиликка ихтисослаштирилган асаларичилик хўжаликлари сони яна биттага кўпайди. Қоракўллик тадбиркор Зафаржон Қодиров "Карпат" зотли боларини кўпайтиришни йўлга қўйди.*

## Маҳсулдорлик юқори

— Бу турдаги асалари маҳсулдорлиги билан ажралиб туради, — дейди тумандаги Сайёт қишлоғида яшовчи тадбиркор. — Унинг ҳар бир оиласидан йилига 25 килограммдан ошириб маҳсулот олиш мумкин. Шу боис "Карпат" зотли асаларига талаб катта. Биз уни кўпайтириб, асаларичилик билан шуғулланадиган хўжаликларга етказиб бераяпмиз. Бундан ташқари, ўзимиз ҳам 250 та асалари оиласини парвариш қилаяпмиз. Шу йилнинг ўтган даврида беш тонна маҳсулот етиштирдик.

Эътиборлиси, яқинда якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор З. Қодиров асални 300 ва 500 граммли махсус идишларда қадоқлаган ҳолда сотувга чиқарди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**«TOU Ko.LTD» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси**

**махсус қурилиш техникаларини таклиф этади.**

**«UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси**

**махсус қурилиш техникалари эҳтиёт қисмларини ва сервис хизматларини таклиф этади.**

DOOSAN











**www.doosaninfracore.uz**

Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар рўйхатга олинган.

**Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод т., Чинобод к., 87-уй.**

**Савдо бўлими**
Тел.: (+99871) 200-00-27/28, (+99890) 805-60-52/53.
E-mail: doosansales@uztow.com

**Сервис хизмати**
Тел.: (+99871) 200-00-26, (+99890) 189-71-54, 968-71-79.
E-mail: servicedoosan@uztow.com

115R/69



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 391 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳих — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5